

ҚАСДДАН ОДАМ ЎЛДИРИШНИНГ СУБЪЕКТИ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ

мустақил тадқиқотчи
ilmiyizlanuvchi@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада қасддан одам ўлдиришнинг субъекти ва унинг белгилари билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада жиноятнинг субъект ёши билан боғлиқ хорижий давлатлар тажрибаси ҳам ўрганилган.

Калит сўзлари: Айб, жавобгарлик, жазо, жиноят, жисмоний, одам ўлдириш, қасд, субъект ёши, содир этган, шахс.

СУБЪЕКТ УМЫШЛЕННОГО УБИЙСТВА И ЕГО ПРИЗНАКИ

Ахмедова Зилола Хамидовна
независимый исследователь
ilmiyizlanuvchi@gmail.com

Аннотация: В статье анализируются вопросы, связанные с субъектом умышленного убийства и его признаками. В статье также рассматривается опыт зарубежных стран относительно возраста субъекта преступления.

Ключевые слова: Вина, ответственность, наказание, преступление, физическое, убийство, умысел, возраст субъекта, преступник, лицо.

THE SUBJECT OF INTENTIONAL HOMICIDE AND ITS SIGNS

Akhmedova Zilola Khamidovna
independent researcher
ilmiyizlanuvchi@gmail.com

Annotation: This article analyzes issues related to the subject of intentional homicide and its signs. The article also studies the experience of foreign countries related to the age of the subject of the crime.

Keywords: *Guilt, responsibility, punishment, crime, physical, homicide, intent, subject age, perpetrator, person.*

Жиноят ҳукуқи назариясида, Жиноят субъекти – жиноят қонунчилигини назарда тутилган жиноятни содир этган ва ушбу қонунда белгиланган ёшга етган ақли расо жисмоний шахсдир¹.

Жиноятнинг субъектига берилган бу таърифдан, жиноятнинг субъектини характерловчи қуйидаги белгиларини кўрсатиш мумкин:

1. жиноят содир этиш пайтида айбдорнинг ақли расолиги;
2. жиноят содир этишда маълум ёшга етганлиги, яъни ЖКнинг 17-моддасида кўзда тутилган жиноят субъект ёшига етганлиги;
3. айбдорнинг фақат жисмоний шахс эканлиги.

Ана шу учта белги ЖКнинг махсус қисмида санаб кўрсатилган барча жиноятларнинг субъекти учун зарурий бўлган белгилардир.

Агарда айбдорда шу белгилардан биронтаси бўлмаса, у муайян жиноятнинг субъекти бўла олмайди. Лекин бу белгилар Жиноят кодексини Махсус қисмида кўрсатилган жиноятлар учун умумий бўлган белгилардир. Жумладан, биз таҳлил қилаётган жиноятни, яъни қасддан одам ўлдириш жиноятини содир қилган шахслар учун ҳам тегишли бўлган белгилардир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 17-моддасида кўрсатилишича, жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар. Лекин, ЖКнинг Махсус қисмида шундай жиноятлар ҳам борки, жиноят содир этгунга қадар 14 ёшга тўлган шахс яъни, ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми ва Жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ушбу Кодекснинг 97-моддасининг

¹Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳукуқи Кўрси. 1 –том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. ОТМ учун дарслик. – Т.: «ИЛМ ЗИЁ» нашриёт уйи. 2010. – Б.213.

[иккинчи қисми](#), [98](#), [104-106](#), [118](#), [119](#), [137](#), [164-166](#), [169-моддалари](#), 173-моддасининг [иккинчи](#) ва [учинчи](#) қисмлари, [220](#), [222](#), [247](#), [252](#), [263](#), [267](#), [271-моддалари](#), 277-моддасининг [иккинчи](#) ва [учинчи](#) қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.

Ушбу Кодекснинг [122](#), [123](#), [125¹](#), [127](#), [127¹](#), [144](#), [146](#), [193-195](#), [205 — 210](#), [225](#), [226](#), [230-232](#), [234](#), [235](#), [279 — 302-моддаларида](#) назарда тутилган жиноятлар учун жиноят содир этгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Биз таҳлил қилаётган, қасддан одам ўлдириш жиноятининг субъекти дейилганда, мазкур жиноятни содир этган шахс тушунилади. Албатта, жиноят субъектига берилган бу таъриф тор маънодадир. Чунки, қасддан одам ўлдириш жиноятининг субъекти ҳам ҳар қандай жиноятнинг субъекти эга бўлиши лозим бўлган муайян белгиларни ўзида акс эттириши лозим.

Акс ҳолда у қасддан одам ўлдириш жиноятининг субъекти бўлиб ҳисобланмайди. Демакки, уни жиной жавобгарликка тортиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Жиноят қонуни жиноят субъекти деб, фақат жисмоний шахсни, яъни инсонни тушунади. Бу юридик шахслар ва ҳайвонларнинг жавобгарликка тортилмаслигини билдиради².

Қасддан одам ўлдириш жинояти юридик шахс номидан содир этилганда, жиноятни содир этишда айбдор бўлган жисмоний шахслар (Масалан, жиноятни бажарувчиси, ташкилотчиси, далолатчи) жиной жавобгарликка тортиладилар. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, баъзи чет эл давлатлари (Англия, АҚШ, Канада, Италия) жиноят қонунчилигида, жиноят

²Ивченко О. Ответственность за эвтаназию по уголовному законодательству зарубежных стран. // Ж. Уголовное право. 2001. №3. – Б.19.
SJIF: 5.051

субъекти деб топиладиган юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигига йўл қўйилган³.

Берилган буйруқ асосида ҳайвонларнинг масалан итнинг инсонга ташланиши оқибатида одам ўлса, итга буйруқни берган жисмоний шахс жиноий жавобгарликка тортилади. Бу ерда ит жиноятнинг воситаси, “қуроли” сифатида қўрилади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида ақли расолик ва ақли норасолик қоидалари белгилаб қўйилганлиги мазкур ҳолатлар юзасидан суд-тергов амалиётида келиб чиқадиган муаммоларни тўлиқича бартараф этган. Ўзбекистон Республикаси амалдаги Жиноят кодексининг 18-моддасига кўра, “жиноят содир қилиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган шахс ақли расо деб топилади.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни сурункали руҳий касаллиги, руҳий ҳолати вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа тарздаги руҳий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди”. Мазкур қоидадан ангалаш мумкинки, қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этиш пайтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли эканлигини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олаган шахсгина жиноий жавобгарликка тортилади.

Зеро ҳаётга қарши қаратилган барча жиноятларнинг ижтимоий хавфли эканлиги ҳар бир ақли расо шахс учун аниқ ва равшандир.

³В.Г.Павлов Субъект преступления. С-П. Юридический центр Пресс.2001. 256-267-бетлар.

Ақли норасолик муаммоларини ўрганиш асосларини яратган олимлар В.Х.Кандинский ва В.П.Сербский ақли норасолик тушунчасининг тиббий талқини билан шахснинг руҳий ҳолатига тиббий баҳо бериш принципларини мувофиқлаштириш зарур, деб ҳисоблаганлар.

Уларнинг фикрича, бундай мувофиқлаштиришни фақат руҳий касалликларнинг физиологик талқини ёрдамида ва ақли расоликка қонун ҳужжатларида берилган таъриф психатрия фанининг замонавий ютуқларига мувофиқ бўлган тақдирда амалга ошириш мумкин⁴. Бундай мувофиқлаштириш бугунги кунда жиноят ҳуқуқи ва суд психатриясида амалга оширилган бўлиб, у қонунда белгиланган ақли норасолик мезонларида ўз ифодасини топган.

Суд-тергов органларида шахснинг ақли расо эканига шубҳа уйғонса дарҳол суд-психиатрия экспертизасини ўтказишлари шарт⁵.

Жиноят қонуни буйича жавобгарликка тортиш ёшига етган шахсгина жиноят субъекти деб ҳисобланади. Маълум бир ёшни белгилаш вақтида қонун чиқарувчи орган шахснинг ҳаётий тажрибаси, психофизиологик ва ижтимоий руҳий ҳолатининг даражасини ҳисобга олган⁶.

Ёш деганда, кенг маънода инсон туғилган вақтдан исталган бошқа хронологик давргача ўтган календарь даври тушунилади. Сўзнинг тор маъносида, ёш шахс руҳий-физиологик ривожланишининг шундай бир

⁴Кандинский В.Х. К вопросу о невменяемости, – С. 38; Сербский В.П. Судебная психология. Т.1, М., 1995. – С.7.

⁵Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори //URL:<http://www.lex.uz>.

⁶Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи Кўрси. 1 –том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. ОТМ учун дарслик. – Т.: «ИЛМ ЗИЁ» нашриёт уйи. 2010. – Б.104.

календарь даврики, у билан шахс ҳуқуқий ҳолатининг биологик, ижтимоий-психологик ва ҳуқуқий оқибатлари боғлиқ бўлади.

Айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида субъект ёши куйидагича белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Англияда жиноят содир этгунга қадар 8 ёшга, Гресьяда – 13 ёшга, Швесьяда – 15 ёшга, Финляндияда – 16 ёшга, Мисрда – 7 ёшга, Ливанда – 7 ёшга, Ироқда – 7 ёшга, Исроилда – 9 ёшга, Эронда – 11 ёшга, АҚШда – 7 ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган вояга етмаган шахсни жавобгарликка тортиш ёши хорижий мамлакатлар жиноят қонунинида куйидагича акс эттирилган. Озорбайжон Республикаси ЖКнинг 10-моддаси 2-қисмига мувофиқ, жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт-ўн олти ёшга тўлган шахслар фақат одам ўлдириш (ЖКнинг 94-99-моддалари), Россия Федерациясининг амалдаги Жиноят кодексининг 20-моддаси 2-қисмида 14 ёшдан бошлаб жавобгарликка тортиладиган жиноятлар рўйхатидан одам ўлдириш (105-модда) жинояти ҳам ўрин олган, Туркия жазо қонунининг 54-моддасига мувофиқ, 11-15 яшар шахслар қасддан одам ўлдирганлик учун, агар улар ўзи содир этган қилмишнинг ижтимоий хавfli хусусиятини англай олмасалар, жиний жавобгарликка тортилмайдилар.

Аммо, мазкур (11-15 яшар) шахслар ўзи содир этган қилмишнинг ижтимоий хавfli хусусиятини англаган бўлсалар, жиноят субъекти деб топиладилар ва уларга жазо тайинлашда мазкур ҳолатга жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб қаралади.

Франциянинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, жиноят содир этгунга қадар ўн уч ёшга тўлган шахслар қасддан одам ўлдирганлик учун

жавобгарликка тортиладилар; илгари етти ёшга тўлган шахслар ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган.

Ҳаётга қарши қаратилган қасддан одам ўлдириш жиноятларининг (бошқа жиноятларнинг ҳам) субъект ёши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 17-моддасида белгилаб берилган. Унга кўра, 14 ёшга етган шахс жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик (Ўзбекистон Республикасининг ЖК 97-моддаси 2-қисми) учун; 14 ёшга етган шахс ЖКнинг 97-моддаси 1-қисмида кўзда тутилган қасддан одам ўлдириш учун; кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдирганлик (ЖКнинг 98-моддаси) учун; 16 ёшга етган шахс онанинг ўз чакалоқини қасддан ўлдирганлик (ЎзРесп ЖКнинг 99-моддаси) учун; зарурий муҳофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдирганлик (ЎзРесп ЖКнинг 100-моддаси) учун; ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдирганлик (ЎзРесп ЖКнинг 101-моддаси) учун жиноий жавобгарликка тортилади. Шахсни, юқорида кўрсатилган жиноятлар субъекти сифатида кўриш учун унинг жиноят содир этиш пайтидаги аниқ ёши (туғилган йили, оyi, куни)ни белгилаб олиш лозим.

Жиноят кодексига назарда тутилган ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган ўсмирнинг ёши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг алоҳида иш юритишга бағишланган қоидаларига асосан аниқланади.

Бунга мувофиқ, тергов ва суд жиноий жавобгарликка тортилаётган вояга етмаган шахснинг туғилган куни, оyi ва йилини аниқлаши шарт. Бунда шахс туғилган кунидан кейинги ноль соатдан эътиборан, яъни туғилган

қунидан эмас, балки кейинги кундан бошлаб маълум ёшга тўлган деб ҳисобланади.

Шахс қасддан одам ўлдирганлик учун ўн тўрт ёшга тўлган кунда содир этилган ижтимоий хавфли қилмишларга жиноят деб қаралиши ва уни содир этган шахс жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Одатда шахснинг ёши тегишли ҳужжат (паспорт, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ва бошқалар)га асосан жуда осон аниқланади. Агар ёш тўғрисида ҳужжат мавжуд бўлмаса, бошқа далиллардан фойдаланилади. Бунда суд-тиббиёт экспертизаси ўтказилиши ҳам мумкин. “Суд-тиббиёт экспертизаси томонидан ёшни аниқлашда экспертлар ҳулосасида қайд этилган йилнинг охири куни, яъни 31 декабрни судланувчининг туғилган куни деб ҳисоблаш зарур, ёшни минимал ва максимал йиллар сони билан аниқлашда суд экспертизада тахмин қилинган шахснинг минимал ёшидан келиб чиқиши лозим”⁷.

Вояга етмаган ва вояга етган шахснинг ёшини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, унинг ёши суд-тиббиёт экспертизаси ёрдамида аниқланади. Бу ҳолда экспертиза ҳулосасида белгиланган йилнинг охири куни жиноий жавобгарликка тортилаётган шахснинг туғилган куни деб топилади.

Вояга етмаган шахснинг ақли заифлигидан далолат берувчи маълумотлар бўлган тақдирда, суд жиноят-процессуал қонун талабларига мувофиқ, вояга етмаган шахснинг ақли заифлиги даражасини, у ўз

⁷Рустамбоев М.Х. Комментарий к уголовному кодексу Республики Узбекистан. Общая часть. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – С. 93. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи кўрси. 1 –том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. ОТМ учун дарслик. – Т.: «ИЛМ ЗИЁ» нашриёт уйи. 2010. – Б.104.
SJIF: 5.051

ҳаракатларининг аҳамиятини қай даражада англаши ва бошқара олиши мумкинлигини аниқлаши лозим⁸.

Биз юқорида тилга олган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорининг 27-бандида, “айбдорнинг шахси, унинг ўз қилмишига муносабати, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар эътиборга олиниши зарур.

Айни пайтда жабрланувчининг шахсига оид маълумотлар, унинг судланувчи билан ўзаро муносабатлари, шунингдек қотиллик содир этилмасдан олдинги хулқ-атвори ўрганилиши лозим. Айбланувчининг (судланувчининг) руҳий жиҳатдан соғломлигига шубҳа туқилган тақдирда, амбулатория ёки стационар шароитида суд-психиатрия экспертизаси ўтказилиши керак.

Айбдор томонидан ЖКнинг 97-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар содир этилган ҳолларда суд-психиатрия экспертизаси стационар шароитда ўтказилиши шарт”⁹ лиги таъкидланган.

Дарҳақиқат, айбдорнинг шахсини (масалан, унинг шахсидаги жиноятчига хос бўлган сифатлар, жиноятчи шаклланган ижтимоий муҳит ва ҳ.к.) ўрганиш жуда муҳимдир. Бу нафақат жазо тайинлаш учун балки, жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш учун ҳам жуда муҳимдир.

Қасддан одам ўлдириш жиноятлари, уларнинг ижтимоий хавфлилигини янада оширадиган иштирокчиликда содир этиладиган жиноятлар қаторига киради.

⁸Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. «Вердикт», М., 1994, с. 22.

⁹Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 13-сонли қарори //URL:<http://www.lex.uz>.

Бунда, иштирокчиликнинг шакли (оддий, мураккаб иштирокчилик; уюшган гуруҳ, жиноий уюшма)ни, ташкил этилиш даражасини ва ҳар бир иштирокчи (бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчилар)нинг жиноятдаги ролини аниқлаш муҳимдир. Шу ўринда айтиш лозимки, шахс иштирокчилик учун жиноий жавобгарликка фақатгина, бажарувчи ҳаракати бошқа иштирокчиларнинг қасди билан қамраб олинган ҳолда содир этилгандагина, тортилади. Иштирокчиларнинг қасди билан қамраб олинмаган бажарувчининг ҳаракатлари учун иштирокчилар жавобгар бўлмайдилар.

Шунингдек, одам ўлдириш уюшган гуруҳ томонидан содир этилган деб топилган тақдирда, жиноят барча иштирокчиларининг ҳаракатлари, уларнинг жиноятни амалга оширишдаги ролдан қатъи назар, Жиноят кодексининг 28-моддасига ҳавола қилинмаган ҳолда 97-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилинади.

Хулоса қиладиган бўлсак, қасддан одам ўлдириш иштирокчиликда содир этилганда, жиноят субъектини тавсифловчи квалификация белгилари (қотиллик ўта хавфли ресидивист ёки илгари ҳам қасддан одам ўлдирган шахс томонидан содир этилганлиги) фақат ушбу белгилар бевосита тааллуқли бўлган иштирокчиларнинг ҳаракатларини квалификация қилишда эътиборга олиниши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. (2023 yil) [//www.lex.uz//](http://www.lex.uz//).
2. O‘zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksi // [Elektron manba]. URL: <https://lex.uz/docs/111453>.

3. O‘zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining 2004 yil 24 sentabrdagi «Qasddan odam o‘ldirishga oid ishlar bo‘yicha sud amaliyoti to‘g‘risida»gi 13-sonli qarori.
4. Abdurasulova Q.R. Jinoyatning maxsus sub’ekti. O‘quv qo‘llanma. - Toshkent: TDYuI, 2005.
5. Авхиа Ж. Борба с преступлениями против жизни. – Москва. “Юридическая литература” 1997. – С. 16., Загородников Н.И. Преступления против жизни по советскому уголовному праву. М., Госюриздат.1991. - С. 22.
6. Абзалова Х.М. Умышленное убийство при отягчающих обстоятельствах по признакам объективной стороны (Монографи) – Ташкент.: ТГЮИ, 2012. 119–с.
7. М.К.Аниязнц. Ответственность за преступления против жизни. Москва. Изд. “Юридическая литература”. 1994. – С. 15.
8. Лысак Н.В. Ответственность за убийство матерю новорожденного ребенка // История государства и права России, 2005, №1, - с.21-24.
9. Уголовное право России. Общая част. / Под ред. Н.Ф.Кузнецовой и И.М.Тяжковой. – М.: Зерцало, – 2005. – С. 159.